

Р.А. Файзиев, ф.м.ф.н., доц., ТДИУ
Ш.Р. Файзиев,
“Ҳамкорбанк” АТБ ходими

ОЛИЙ ТАЪЛИМ СИФАТИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТАЪЛИМ ВА МОНИТОРИНГ ТИЗИМИНИНГ ИМКОНИАТЛАРИ ВА АФЗАЛЛИКЛАРИ

В статье излагается возможности и преимущества автоматизированной системы образования и мониторинга в повышение качества и эффективности высшего образования на примере “Автоматизированная система образования и мониторинга ZIYOKOR”.

The article states opportunities and advantages of the automated system of education and monitoring for increasing quality and efficiency of higher education on an example of “ZIYOKOR - Automated system of education and monitoring”.

Калитли сўзлар: автоматлаштириш, электрон журнал, тест қилиш, таълим, сифат, самарадорлик, имконият, афзаллик.

Олий таълим муассасаларида замон билан ҳамнафас таълим тизимини яратиш, албатта илғор жаҳон технологияларидан самарали фойдаланишни тақозо қилади. Бундай тизимни яратиш учун таълим муассасасини ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда дунё ахборот тизимлари билан боғлаш ва уларнинг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида таълим муассасасида локал компьютер тармоғи яратилиб, улар халқаро интернет тармоғига доимий равишда уланиши лозим.

Барча жараёнлар жадал ривожланаётган ҳозирги даврда мамлакатимиз таълим тизимида ҳам бошқа соҳалардагидек ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланилмоқда. Таълим муассасаларининг моддий-техника таъминоти такомиллаштирилмоқда, жумладан, ахборот-коммуникация технология воситалари билан таъминланмоқда.

Профессор-ўқитувчилар томонидан талабаларга янги педагогик ва ахборот технологиялари асосида билим берилиши, талабалар билимини рейтинг тизими асосида баҳолаш таълим сифати ва самарадорлигини оширишга замин бўлмоқда.

Хорижда ва мамлакатимизда ўқув жараёнининг комплекс автоматлаштирилган таълим ва мониторинг тизимлари яратилмоқда[1-3]. Бундай тизимларни яратишдан кўзланган мақсад - интернет технологияларидан фойдаланилган ҳолда профессор-ўқитувчилар, талабалар ва уларнинг ота-оналари ҳамда таълимни бошқариш тизими ўртасида интернет орқали мулоқот тизимини яратишдан иборатдир. Бундай тизим талабаларга энг муҳим ва фойдали ахборотларни тез ва сифатли етказиб бериш билан бирга таълим жараёнининг шаффофлигини ҳам таъминлайди. Профессор-ўқитувчилар, талабалар ва уларнинг ота-оналари ҳамда таълимни бошқариш тизими ўртасида

интернет орқали тезкор мулоқот тизимини яратилиши эса вужудга келадиган муаммоларни тезда бартараф этиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасида рўйхатга олинган “ZIYOKOR” автоматлаштирилган таълим ва мониторинг тизими ушбу мақсадни амалга оширишга қаратилгандир[2-3].

Ушбу тизим жуда кенг имкониятларга эга:

1. Ўқув материалларини бошқариш:

–ўқув материаллари базасини яратиш учун турли манбалардан фойдаланиш мумкин;

–ўқув курслари ўқитувчилар томонидан яратилиши мумкин. Қулай шаблонлар ва таҳрирлаш воситалари тезда курсларни яратиш ва уни тизимга жойлаштириш имконини беради;

–ўқув материалларини ва мултимедиани тўғридан-тўғри интернетдан ишга тушириш мумкин;

–халқаро стандартлардан фойдаланилгани учун бошқа ўқув муассасалари томонидан яратилган материалларни ишга тушириш имконини беради;

–ўқув ва бошқа материаллар маҳаллий таълимни бошқарув органлари томонидан жўнатилиши мумкин;

–ўқув бўлими ўқув материалларини осон бошқариши, шунингдек, улардан энг яхшиларини интернет орқали бошқа ўқитувчиларга ҳам жўнатиши мумкин;

–ўқув материалларини излаш ва жойлаштириш жуда қулай ҳолатда амалга оширилган;

–ўқув материаллари ва топшириқлари талабаларга чоп этилиши ва тарқатилиши ёки интернет орқали жўнатилиши мумкин.

2. Ўқув режаларини бошқариш:

–услубчилар тизимдаги ўқув режаларидан фойдаланишлари ёки улар асосида ўзининг ўқув режаларини тузиши мумкин;

–ўқув ташкилотининг амалдаги ўқув режаларини тизимга киритиш имконияти мавжуд;

–тасдиқланган маҳаллий ўқув режалари интернет орқали марказлаштирилган ҳолда тарқатилиши мумкин;

–алоҳида талабага ёки ўқув гуруҳига шахсий ўқитиш режасини белгилаш мумкин.

3. Баҳолаш ва тест олиш:

–тестлар педагоглар томонидан тузилиши ёки ташқаридан ишга туширилиши мумкин, шунингдек интернет орқали маҳаллий таълимни бошқариш органлари томонидан юборилиши мумкин;

–тест тузишда турли шаблонлардан фойдаланиш мумкин (битта тўғри жавобни танлаш, бир нечта тўғри жавобни танлаш, исталган шаклда тўғри жавобни киритиш);

–педагог талабанинг топшириқни бажаришини баҳолашда автомат баҳолаш, қўлда баҳолаш ёки улардан биргаликда баҳолаш усуллари

фойдаланиши мумкин (охирги ҳолатда автомат баҳолашга киритилган тузатишга изоҳ берилиши керак).

4. Дарсга қатнашиш ва ўзлаштириш бўйича ҳисобот:

– талабанинг дарсга қатнашиши ва ўзлаштиришини унинг олган баҳоси ёки ўқув дастури режасини бажарилиши кўрсаткичлари орқали кузатиш мумкин;

– дарсга қатнашиш ва ўзлаштиришни баҳолашнинг бир қанча параметрларидан фойдаланиш имконияти мавжуд;

– талабанинг дарсга қатнашиши ва ўзлаштириши тўғрисидаги маълумотлар баҳоланган вақтда киритилади.

5. Бўлим ёки гуруҳнинг веб-сайти:

– бўлим ёки гуруҳнинг веб-сайтига янгиликлар, мустақил иш учун топшириқлар, тестлар ва талаба тўғрисидаги маълумотлар осон киритилади;

– ўқув юрти веб-сайтини осонгина янгилаш мумкин, яъни уни янгиликлар, тадбирлар тўғрисида ва бошқа ахборотлар билан тўлдириб туриш имконияти мавжуд.

Тизим қуйидаги афзалликларга эга:

1. Ўқитувчилар учун:

– талабалар билан мулоқотни енгиллаштирувчи замонавий ўқитиш усулларидан фойдаланиш;

– ўқув материалларини ўз вақтида ва манзилли тарқатиш;

– ўқув стандартлари, топшириқлари ва режалари ўртасидаги мосликни таъминлаш;

– бажарилган ишларга текшириш ва уларга баҳолар қўйиш: автомат равишда, қўлда, комбинациялашган (охирги ҳолатда автомат баҳолашга киритилган тузатишга изоҳ берилиши керак);

– турли талабаларга ёки талабалар гуруҳлари ўқишига дифференциал ёндашиш;

– махсус ўқув материалларига тез ва осон кириш;

– материаллардан одатдаги форматларда (PowerPoint, Word, Excel, веб-саҳифа) стандарт веб-технологиялардан қулай фойдаланиш. электрон ўқув материаллари ва улар учун текшириш топшириқларини интеграциялаш;

– талабалардан ва уларнинг ота-оналаридан тезда жавоб келиши;

– талабалар ўзлаштириши тўғрисида статистик маълумотлар ва ҳисоботни автомат равишда олиб борилиши;

– тизим билан тармоқдан ташқарида ишлаш ва кейинчалик тармоққа уланиб маълумотларни синхронлаштириш.

2. Талабалар учун:

– қизиқарли, долзарб ва мазмунли ўқув материаллари;

– янги билим соҳасини ўзлаштириш ва янги кўникмаларни ҳосил қилиш (технология, дастурий таъминот, интернет);

– бошқа талабалар билан интернет орқали масофавий биргаликда ишлаш;

– қолдирилган дарсларни ўзлаштириш учун ва қўшимча таълим учун яратилган катта имкониятлардан фойдаланиш;

– ўқув жараёнига тез қўшилиш имконияти;

– интернетга кириш имконияти бўлган исталган компьютердан (ўқув юрти компьютер хоналари, интернет-кафелар, уйдаги компьютер, ноутбук, планшет ва уяли телефондан) ўқув материаллари ва тестларга кириш.

3. Ота-оналар учун:

– исталган пайтда ўқув материаллари, топшириқлар, ҳисоботлар муддати, баҳолар ва ўқитувчилар маслаҳатларини кўриш;

– ота-оналар мажлисларига боғлиқ бўлмаган, фарзандининг ютуқ ва камчиликларини доимий равишда кузатиб бориш;

– веб-интерфейс орқали исталган компьютердан (ўқув юрти компьютер хоналари, интернет-кафелар, уйдаги компьютер, ноутбук, планшет ва уяли телефондан), исталган жойдан ва исталган вақтда осон кириш.

4. Ўқув юрти учун:

– долзарб ва истиқболли масалаларни ечиш (ислоҳот, таълим стандартлари, таълим масалалари ва режалари);

– ўқитишнинг ташқи ва ички талабларга мослиги ёки ўзининг масалаларини ва таълим стандартларини аниқлаш;

– замонавий таълим ташкилоти учун зарур бўлган янги концепцияларни тадбиқ қилиш;

– ўқув юрти веб-боғланмасини ташкил қилишнинг осонлиги. Унда алоҳида гуруҳлар ва бошқалар учун янгиликлар, эълонлар, лойиҳалар, ўқув материаллари эълон қилиниши мумкин;

– ўқув жараёнларини бошқариш ва қарорлар қабул қилишга ёрдам берадиган турли статистик маълумотлар;

– ўқув юртининг серверида тизимни оддий қўллаш;

– бошқаришнинг осонлиги.

5. Таълимни бошқариш тизими учун:

– ўқув стандартлари, ўқув режалари, услубий йўриқномалар, ўқув материаллари ва тестларни марказлаштирилган ҳолда тарқатиш;

– тест натижаларини (ўзлаштиришни) тезкор йиғиш;

– жойлардан энг яхши ишланмаларни йиғиш ва уларни бошқа таълим муассасаларига юбориш;

– ўқув режалари ва унга мос материалларни бутун ҳудудга (туман, шаҳар, вилоят ёки мамлакатга) тармоқ орқали тарқатиш. Бу ўз навбатида материалларни чоп этиш, ўқув режаларини янгилаш ва тарқатишга кетадиган харажатларни сезиларли даражада қисқартиради.

2010 йил 5 сентябрдан кучга киритилган (ЎЗР Адлия вазирлигида 2010 йил 26 августда 1981-1-сон билан рўйхатга олинган) “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида Низом”да “Талабаларнинг назорат турлари бўйича эришган натижалари кафедралар, деканатлар ва ўқув методик бўлинмаларда компьютер хотирасига киритилиб, мунтазам равишда таҳлил қилиб борилади” дейилган.

Рейтинг тизими тўғрисидаги “Низом” ижросини таъминлашда ZIYOKOR автоматлаштирилган таълим ва мониторинг тизимининг имкониятларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир [2, 3].

TOSHKENT DAVLAT IQTISODIYOT UNIVERSITETI
AXBOROT TEKNOLOGIYALARI VA STATISTIKA FAKULTETI
III-33 - GURUH JURNALI
Fanning nomi: Iqtisodiy-matematik usullar va modellar, 7-semestr
O'qituvchi(lar): ma'ruza: Fayziyev Rabim Aliqulovich. amaliy: Fayziyev Rabim Aliqulovich. tajriba: Fayziyev Rabim Aliqulovich.
Mashg'ulot turi (ajratilgan/bajarilgan) soati: ma'ruza (38/16); amaliy (20/10); tajriba (18/10); Jami (76/36)

Bugun: 01.11.2013 yil, soat 09:54:30 (N A M U N A : TALABALARNING FAMILIYASI VA ISMI-SHARIFI HAMDA BOSHQA BARCHA MA'LUMOTLAR HAQIQIY EMAS!!!)

№	Mashg'ulot va nazorat turi	№												i	m	a	ma	JN	ON										
		1	1	2	1	3	2	4	2	3	3	5	4							6	1	4	7	5	2	8	5	1	
№	Kun, oy, yil	m	a	m	t	m	a	m	t	a	m	t	m	a	m	a	m	t	ma	m	a	on							
		02	05	09	12	16	19	23	26	30	03	07	10	14	17	21	24	28	31	02	J	J	J						
Talabning familiyasi va ismi-sharifi		13	13	13	13	13	13	13	13	13	13	13	13	13	13	13	13	13	13	13	13	i	i	i	i	i			
1.	Alimova Sojida Sattarovna				0.7	0.5	0.4	0.4	1	0.4	0.4	0.5	0.9	0.5	2.4	0.4	0.4	0.8	2.8	0.4	0.5	12	3.8	2.7	1.7	5.2	13.4	12	25.4
2.	A'zamov Javohir Olimovich				0.8	0.4	0.8	0.4	0.8	0.4	0.4	0.5	0.7	0.4	2.2	0.3	0.7	2.5	0.3	0.4	12	3.4	2	1.9	4.7	12	12	24	
3.	Buranov Yozdon Vorisovich	0.7			0.6	0.3	0.3	0.3	0.8		0.3	0.7	0.3	1.8	0.3	0.6	2.3	0.4	10	2.7	1.6	1.3	4.1	9.7	10	19.7			
4.	Gayratova Shujot Anarboyevna				0.9	0.5	0.4	0.5	1	0.4	0.4	0.5	0.9	0.5	2.4	0.4	0.4	0.8	2.8	0.4	0.4	12	4	2.8	1.6	5.2	13.6	12	25.6
5.	Latipov Azamat Maxmad o'g'li				0.7	0.4	0.3	0.3	0.8	0.3	0.3	0.3	0.3	0.4	1.8	0.3		2.4		0.3	9	1.8	1.4	1.2	4.2	8.6	9	17.6	
6.	Latipov Bobojon Askarovich				0.6	0.4	0.3	0.4	0.7	0.3	0.3	0.4	0.6	0.4	1.6	0.2		0	2.3	0.3	0.4	10	2.2	1.9	1.8	3.9	9.8	10	19.8
7.	Maxmadov Asgar Jamoliddinovich				0.7	0.3	0.4	0.5	0.7	0.4	0.2	0.3	0.3	1.7	0.2		2.5	0.3	0	7	1.4	1.8	0.8	4.2	8.2	7	15.2		
8.	Muqimov Anvar Yazdanovich				0.8	0.3	0.4	0.4	0.8	0.3	0.4	0.4	0.6	0.4	2	0.3	0.3	0.8	2.6	0.4	0.4	10	3.3	2.2	1.5	4.6	11.6	10	21.6
9.	Norbayer Ahmad Saidaxmadovich	0			0.6	0.3	0.3	0.4		0.3	0.3		0.7	0.3	1.7	0.2		2			6	1.6	1.2	0.6	3.7	7.1	6	13.1	
10.	Olimov Olim Olimovich				0.9	0.5	0.4	0.4	1	0.5	0.5	0.5	1	0.5	2.4	0.4	0.4	0.9	2.8	0.4	0.4	13	4.3	2.7	1.7	5.2	13.9	13	26.9
11.	Rustamov Ravshan Tembekovich				0	0	0.4	0.3	0.4	0.6		0.3	0.4	0.6	0.4	1.7	0.3		1.9	0.3		8	1.2	2.2	0.6	3.6	7.6	8	15.6
12.	Temirov Elbo'sin Akmaljonovich				0.8	0.4	0.3	0.3	0.6		0.3	0.4		0.3	1.5			1.6	0.2	0.3	7	1.4	1.6	0.9	3.1	7	7	14	
13.	Vorisova Anajan Axtamovna				0.9	0.5	0.5	0.4	1	0.5	0.5	0.5	1	0.4	2.4	0.4	0.4	0.9	2.8	0.4	0.4	14	4.3	2.6	1.8	5.2	13.9	14	27.9
Davomat, %		84.6	84.6	100	92.3	92.3	92.3	92.3	100	100	100	100	100	84.6	100	100	92.3	92.3	84.6	96.9	93.3	92.3							94.2
Qoldirilgan dars soatlari		4	4		2	2	2	2						4			2	2	4	4	14	10						28	
Qayta ishlangan qoldirilgan dars soatlari		2	2		2	2	2							4			2	2			12	6						18	
O'qituvchi(lar)ning imzosi																													

Eslatma: m - ma'ruza mashg'uloti; a - amaliy mashg'ulot; t - tajriba mashg'uloti; mm - mustaqil ish (ma'ruza); ma - mustaqil ish (amaliy); mt - mustaqil ish (tajriba); on - oraliq nazorat; JN - (jami) joriy nazorat; ON - (jami) oraliq nazorat; OT - oraliq tahlil; YaT - yakuniy tahlil; YaN - yakuniy nazorat; STB - semestrda to'plangan bal.

ATvSF dekani _____ O.Q. Rixsimboyev _____ EK mudiri _____ R.X. Alimov _____

1-расм. Биринчи оралик тахлил натижаларини кўриш ойнаси Манба: Муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

Ушбу тизимда таклиф этилган электрон журналдан фойдаланиш ўқув жараёнини ташкил этиш ва бошқаришда кенг имкониятлар яратади:

- рейтинг тизими асосида бажарилган топшириқларни текшириш ва уларни баҳолаш (автомат равишда, кўлда, комбинациялашган ҳолатда амалга оширилади);
- рейтинг тизимида баҳолаш профессор-ўқитувчилар томонидан қандай амалга ошириляётганини тахлил қилиш;
- таълимнинг шаффофлигини таъминлаш;
- турли ҳисоботларни тезкор олиш;

- профессор-ўқитувчилар, талабалар ва уларнинг ота-оналари ҳамда таълимни бошқариш тизими билан узлуксиз тезкор алоқани ўрнатиш;
- профессор-ўқитувчилар, талабалар ва уларнинг ота-оналари ҳамда таълимни бошқариш тизими ўзларига тааллуқли ахборотларни кўриш;
- ота-оналар мажлисларига боғлиқ бўлмаган, фарзандининг ютуқ ва камчиликларини доимий равишда кузатиб бориш;
- интернетга кириш имконияти бўлган исталган компьютердан (ўқув юрти компьютер хоналари, интернет-кафелар, уйдаги компьютер, ноутбук, планшет ва уяли телефондан) ўзларига тааллуқли маълумотларни кўриш.

TDIU: Professor-o'qituvchining jurnalini ko'rish - Microsoft Internet Explorer

Address: http://zk.tdiu.uz/uf_ugituvchiv.php

TOSHKENT DAVLAT IQTISODIYOT UNIVERSITEI
AXBOROT TEKNOLOGIYALARI VA STATISTIKA FAKULTEI
III-33 - GURUH JURNALI
Fanning nomi: Iqtisodiy-matematik usullar va modellar; 7-semestr
O'qituvchi(lar): ma'ruza: Fayziyev Rabim Aliqulovich. amaliy: Fayziyev Rabim Aliqulovich. tajriba: Fayziyev Rabim Aliqulovich.
Mashg'ulot turi (ajratilgan/bajarilgan) soati: ma'ruza (38/38); amaliy (20/20); tajriba (18/18); Jami (76/76)

soat 09:49:52 (N A M U N A : TALABALARNING FAMILIYASI VA ISMI-SHARIFI HAMDA BOSHQA BARCHA MA'LUMOTLAR HAQIQIY EMAS!!!)

№	g'ulot va nazorat turi	t	m	a	ma	JN	ON	1-OT																				m	t	a	mt	JN	ON	2-OT	YaT	YaN	STB			
								9	6	10	6	7	7	1	11	8	12	8	13	9	14	9	15	10	16	17	18											2	19	1
Kun, oy, yil	J	J	J	J	J	J	J	04	07	11	14	18	21	21	25	28	02	05	09	12	16	19	23	26	27	13	14	15	20	22	J	J	J	J	J	2-OT	YaT	YaN	STB	
Familiyasi va ismi-sharifi	a	m	a	m	a	m	i	11	11	11	11	11	11	11	11	12	12	12	12	12	12	12	12	12	12	14	14	14	14	14	a	a	a	a	a					
farovna	3.8	2.7	1.7	5.2	13.4	12	25.4	0.5	1	0.4	0.4	0.5	1	2.8	0.5	0.5	0.5	1	0.4	0.5	0.5	1	0.5	0.4	0.5	0.5	0.5	3	0.4	18	5.2	4	2.3	5.8	17.3	18	35.3	60.7	28	88.7
olimovich	3.4	2	1.9	4.7	12	12	24	0.3	0.7	0.3	0.4	0.4	0.7	2.6	0.4	0.4	0.3	0.8	0.4	0.4	0.4	0.7	0.4	0.5	0.4	0.4	0.5	2.3	0.4	12	4.2	2.9	2.1	4.9	14.1	12	26.1	50.1	25	75.1
orisovich	2.7	1.6	1.3	4.1	9.7	10	19.7	0.4	0.6	0.3	0.2	0.3	0.6	2.2	0.4	0.3	0.3	0.8	0.3	0.4	0.4	0.7	0.3	0.4	0.4	0.4	1.9	0.3	10	3.9	2.7	1.6	4.1	12.3	10	22.3	42	20	62	
Anaboyevna	4	2.8	1.6	5.2	13.6	12	25.6	0.5	1	0.4	0.4	0.5	1	2.8	0.5	0.5	0.4	1	0.4	0.5	0.5	1	0.5	0.4	0.5	0.5	0.5	3	0.4	16	5.1	4	2.3	5.8	17.2	16	33.2	58.8	28	86.8
axmid o'g'li	1.8	1.4	1.2	4.2	8.6	9	17.6	0.4	0.7	0.3	0.3	0.3	0.4	2	0.3	0.4	0.3	0.7	0.3	0.4	0.4	0.7	0.3	0.3	0.3	0.3	0.3	2.6	0.3	12	3.2	2.5	1.7	4.6	12	12	24	41.6	22	63.6
skazovich	2.2	1.9	1.8	3.9	9.8	10	19.8	0.3	0.6	0.2	0.3	0.6	1.6	0.3	0.4	0.2	0.7	0.3	0.3	0.3	0.6	0.4	0.3	0.3	0.3	0.3	2.6	0.3	10	2.9	2.5	1.3	4.2	10.9	10	20.9	40.7	0	40.7	
amoliddinovich	1.4	1.8	0.8	4.2	8.2	7	15.2	0.3	0.6	0.2	0.3	0.6	2.4	0.4	0.3	0.3	0.8	0.3	0.3	0.4	0.7	0.4	0.4	0.3	0.3	0.3	2.7	0.3	12	3.5	2.7	1.3	5.1	12.6	12	24.6	39.8	0	39.8	
azdanovich	3.3	2.2	1.5	4.6	11.6	10	21.6	0.4	0.8	0.4	0.3	0.5	0.8	2.4	0.4	0.4	0.4	0.8	0.4	0.3	0.4	0.8	0.4	0.4	0.4	0.4	0.3	2.7	0.3	14	4.2	3.2	1.9	5.1	14.4	14	28.4	50	22	72
aidarmadovich	1.6	1.2	0.6	3.7	7.1	6	13.1	0	0.6	0.2	0.3	0.5	1.7	0.4	0.3	0.3	0.7	0.3	0.3	0.3	0.3	0.3	0.3	0.3	0.3	0.3	2.2	0.3	10	3	1.8	1.2	3.9	9.9	10	19.9	33	0	33	
ovich	4.3	2.7	1.7	5.2	13.9	13	26.9	0.5	0.8	0.5	0.4	0.5	1	2.8	0.5	0.5	0.5	1	0.4	0.5	0.5	1	0.5	0.5	0.5	0.5	3	0.5	18	5.4	3.8	2.4	5.8	33.4	18	51.4	78.3	28	106.3	
Temubekovich	1.2	2.2	0.6	3.6	7.6	8	15.6	0.6	0.2	0.3	0.5	2.2	0.3	0.2	0.3	0.6	0.3	0.3	0.5	0.3	0.3	0.3	0.3	0.3	1.8	0.3	10	2.3	2.2	0.8	4	9.3	10	19.3	34.9	0	34.9			
Akmaljonovich	1.4	1.6	0.9	3.1	7	7	14	0.6	0.2	0.3	0.5	1.6	0.2	0.2	0.3	0.6	0.2	0.3	0.5	0.2	0.3	0.3	0.3	0.3	1.6	0.3	7	2	2.2	0.5	3.2	7.9	7	14.9	28.9	0	28.9			
xtamovna	4.3	2.6	1.8	5.2	13.9	14	27.9	0.5	0.9	0.4	0.5	0.5	1	2.8	0.5	0.5	0.5	1	0.5	0.5	0.5	1	0.5	0.5	0.5	0.5	2.8	0.5	16	5.4	3.9	2.5	5.6	17.4	16	33.4	61.3	28	89.3	
Davomat, %	96.9	93.3	92.3				94.2	84.6	100	100	92.3	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	84.6	100	100	97.2	100	98.5				98.6	96.39	96.39		
dirilgan dars soatlari	4	14	10				28	4			2																									10	38	38		
dirilgan dars soatlari	12	6					18	2			2																									8	26	26		
ovchi(lar)ning imzosi																																								

a mashg'uloti; a - amaliy mashg'ulot; t - tajriba mashg'uloti; mm - mustaqil ish (ma'ruza); ma - mustaqil ish (amaliy); mt - mustaqil ish (tajriba); on - oraliq nazorat; jony nazorat; ON - (jami) oraliq nazorat; OT - oraliq tahlil; YaT - yakuniy tahlil; YaN - yakuniy nazorat; STB - semestrda to'plangan bal.

ATvSF dekani: O.Q. Rixsimboyev EK mudiri: R.X. Alimov

2-расм. Биринчи оралиқ таҳлил натижалари, иккинчи оралиқ ва якуний таҳлил, якуний назорат ҳамда семестрда тўпланган бал натижаларини кўриш ойнаси

Манба: Муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

Электрон журналда ҳар бир семестрдаги ўқув жараёни шартли равишда иккита тенг ораликқа бўлинган бўлиб, ҳар бир ораликда алоҳида ва якуний таҳлил олиб борилади (1-2-расм).

Талабаларнинг машғулотларда қатнашиши ва олган баллари тўғрисидаги маълумотлар, машғулот пайтида ёки машғулотдан сўнг шу сананинг ўзида, профессор-ўқитувчилар томонидан амалга оширилади. Фанга оид талабанинг машғулотларда ва машғулотлардан ташқари олган барча баллари (мустақил таълим баллари, қолдирилган дарсларни қайта топшириш баллари, назорат баллари тест шаклида олинганда эса тизимдаги тест дастури тест натижаларини тўғридан-тўғри журналга туширади ва бошқалар) ягона журналда акс эттирилади ва таҳлил қилинади.

Электрон журналдаги маълумотлар асосида бир қанча бошқа ҳужжатлар ҳам автомат равишда шаклланади, жумладан, рейтинг қайдномаси, турли ҳисоботлар ва бошқалар.

Электрон журнал бир қанча афзалликларга эга:

1. Профессор-ўқитувчилар учун:

– рейтинг тизими асосида бажарилган топшириқларни текшириш ва уларга баҳолар кўйиш (автомат равишда, қўлда, комбинациялашган, охирги ҳолатда автомат баҳолашга киритилган тузатишга изоҳ берилиши керак);

– профессор-ўқитувчиларни турли ҳисоблашлардан ҳолос этади;

– турли ҳисоботларни тезкор шакллантиради;

– профессор-ўқитувчилар, талабалар ва уларнинг ота-оналари ҳамда таълимни бошқариш тизими ўртасида узлуксиз тезкор алоқани ўрнатади;

– тест натижаларини (ўзлаштиришни) тезкор йиғади;

– интернетга кириш имконияти бўлган исталган компьютердан (ўқув юрти компьютер хоналари, интернет-кафелар, уйдаги компьютер, ноутбук, планшет ва уяли телефондан) ўзи машғулот ўтказадиган талабаларга тегишли маълумотларни кўриш;

– бошқаришни осонлаштиради.

2. Талабалар учун:

– талабаларни турли ҳисоблашлардан ҳолос этади;

– талабалар билан профессор-ўқитувчилар ва таълимни бошқариш тизими ўртасида узлуксиз тезкор алоқани ўрнатади;

– қолдирилган дарсларни ўзлаштириш учун ва қўшимча таълим учун яратилган катта имкониятлардан фойдаланиш;

– интернетга кириш имконияти бўлган исталган компьютердан (ўқув юрти компьютер хоналари, интернет-кафелар, уйдаги компьютер, ноутбук, планшет ва уяли телефондан) ўзига тегишли маълумотларни кўриш.

3. Ота-оналар учун:

– ота-оналарни турли ҳисоблашлардан ҳолос этади;

– ота-оналар билан профессор-ўқитувчилар ва таълимни бошқариш тизими ўртасида узлуксиз тезкор алоқани ўрнатади;

– ота-оналар мажлисларига боғлиқ бўлмаган, фарзандининг ютуқ ва камчиликларини доимий равишда кузатиб боради;

– интернетга кириш имконияти бўлган исталган компьютердан (ўқув юрти компьютер хоналари, интернет-кафелар, уйдаги компьютер, ноутбук, планшет ва уяли телефондан) фазандига тегишли маълумотларни кўриш.

4. Ўқув юрти учун:

– рейтинг тизимида баҳолаш профессор-ўқитувчилар томонидан қандай амалга оширилаётганини таҳлил қилади;

– тест натижаларини (ўзлаштиришни) тезкор йиғиш

– турли ҳисоботларни тезкор шакллантиради;

– ўқув жараёнларини бошқариш ва қарорлар қабул қилишга ёрдам берадиган турли статистик маълумотларни олиш;

– интернетга кириш имконияти бўлган исталган компьютердан (ўқув юрти компьютер хоналари, интернет-кафелар, уйдаги компьютер, ноутбук, планшет ва уяли телефондан) таълим муассасаси талабаларига тегишли маълумотларни кўриш ва қарор қабул қилиш

– бошқаришни осонлаштиради.

5. Таълимни бошқариш тизими учун:

– таълимни бошқариш органларини турли ҳисоблашлардан холос этади;

– тест натижаларини (ўзлаштиришни) тезкор йиғиш;

– турли ҳисоботларни тезкор шакллантиради;

– интернетга кириш имконияти бўлган исталган компьютердан (ўқув юрти компьютер хоналари, интернет-кафелар, уйдаги компьютер, ноутбук, планшет ва уяли телефондан) таълим муассасаларига тегишли маълумотларни кўриш ва қарор қабул қилиш;

– бошқаришни осонлаштиради.

Ахборот коммуникацион-технологияларидаги жадал ривожланиш электрон таълимни сезиларли даражада ошириш имкониятини яратмоқда. Бунда билим олиш ва олинган билимни текширишда замонавий автоматлаштирилган тизим ва усуллардан фойдаланиш, таълим тизими ривожланишининг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

ZIYOKOR автоматлаштирилган таълим ва мониторинг тизимида шундай дастурлардан бири таклиф қилинган бўлиб, унинг ёрдамида бир ёки бир нечта мавзу ҳамда фандан назорат турлари (жорий, оралик ва якуний назорат) бўйича тест ўтказиш мумкин [2-3].

Тест топширувчи тизимга кириш учун ўзининг логини ҳамда паролини киритгач, дастур ишга тушади. (3-6-расмларда ушбу тизимдан фойдаланиш бўйича намуна берилган бўлиб, ундаги талаба фамилияси, исми-шарифи ва бошқа маълумотлар ҳақиқий эмас). Унга назорат тури ва фанни танлаш таклиф қилинади. Улар танлангач, талаба тўғрисидаги маълумот ва унинг расми экранга чиқарилади.

Ҳар бир савол бир қанча жавоб вариантлари билан экранга чиқарилиб, улардан тўғриси танлаш таклиф қилинади (3-расм).

Билимларни баҳолашда электрон тест олувчи дастурлардан фойдаланиш кенг тарқалган электрон ресурсдир. Ундан фойдаланишнинг осонлиги ва оддийлиги қобилият ёки билимни тез баҳолаш имконини беради.

Саволга жавоб берилгач, кейинги савол экранга чиқарилади. Автомат равишда жами саволлар сони, тўғри ва нотўғри саволлар сони, тўпланган бал ҳамда унинг фоизи, тестдан ўтган ёки ўтмаганлик ҳақидаги хабар экранга чиқарилади (4-5-расм).

Натижалар маълумотлар базасида сақланади, шунингдек, уни чоп этиш ҳам мумкин.

Тест саволлари қуйидагича шакллантирилади: ҳар бир савол 4 та муқобил жавоб билан ўқитувчи томонидан тузилади ва базага киритилади.


Фойдаланувчилар тез ва ҳеч қийинчиликсиз ўз билимларини аниқлаши мумкин. Уларга бир ёки бир неча маротаба тест топшириш имконини бериш мумкин (3-6-расм).




3-расм. Билимни тест қилиш ойнаси

Манба: Муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

Тест натижалари тўғридан-тўғри автомат равишда электрон журналда акс эттирилади. Тест қайта топширилса, аввалги натижалар ҳам журналда акс этади, аммо ҳисоблашларда охириги натижа инобатга олинади.




4-расм. Билимни тест қилиш натижалари ойнаси
Манба: Муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.



5- расм. Билимни қайта тест қилиш натижалари ойнаси
Манба: Муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

Электрон журналдаги маълумотлар асосида рейтинг кайдномаси ва турли ҳисоботлар автомат равишда шакллантирилади.



6-расм. Билимни қайта тест қилишни таъқиқлаш ойнаси.
Манба: Муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

Ўқув жараёнининг комплекс автоматлаштирилган таълим ва мониторинг тизимини таълим муассасаларида, малака ошириш ва қайта тайёрлаш ҳамда масофавий таълимда фойдаланиш таълим сифати ва самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Морковин И.И., Ерунов В.П., Кандрашин И.А. Автоматизированная система планирования учебного процесса в вузе // Российское агентство по патентам и товарным знакам. Свидетельство об официальной регистрации программы для ЭВМ № 2001610164, Москва, 2001
2. Файзиев Р.А., Файзиев Ш.Р. ZIYOKOR автоматлаштирилган таълим ва мониторинг тизими 1.0 версияси // ЎзР Давлат патент идораси. Гувоҳнома № DGU 01985, Тошкент. 2010.
3. Файзиев Р.А., Файзиев Ш.Р. ZIYOKOR автоматлаштирилган таълим ва мониторинг тизими 2.0 версияси // ЎзР Давлат патент идораси. Гувоҳнома № DGU 02022, Тошкент. 2010.